O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

● 2005-yil ● 9-iyun ● Payshanba ● 70 (27.405) ● uzbovozi@sarkor.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга 8 июнь куни Оқсаройда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Дэвид Моран ишонч ёрлиғини топширди.

Ислом Каримов элчига юртимизда бошлаётган миссиясини бажаришда муваффақият тилади.

Бирлашган Қироллик билан муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидандир. Буюк Британия раҳбарияти ҳам Ўзбекистон билан самарали ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор беради.

Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва ижтимоий-маданий алоқалар изчил ривожланмоқда. Буюк Британия Ўзбекистоннинг Европадаги йирик иқтисодий ҳамкорларидан биридир. 2004 йилда ўзаро савдо ҳажми 453,1 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 2003 йилда бу кўрсаткич 356 миллион долларга тенг бўлган эди.

Жорий йилнинг март ойида Лондонда ўтган Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Буюк Британия кенгашининг навбатдаги мажлиси ҳамда «Ўзбекистонда бизнес қилинг» туркумидаги семинар иқтисодиёт, савдо ва сармоя соҳаларида ҳамкорликни янада кенгайтириш учун имкониятлар катта эканлигини кўрсатди.

Тошкентда Халқаро Вестминстер университети ҳамда Британия кенгашининг бўлими фаолият кўрсатмоқда. Илмий-техникавий соҳада, соғлиқни сақлаш ва бошқа йўналишларда мунтазам мулоқотлар йўлга қўйилган.

Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасида ташқи сиёсат ва мудофаа маҳкамалари, хавфсизлик идораларининг ҳамкорлигини ривожлантириш ҳам доимий эътиборда. Жорий йил бошида Бирлашган Қироллик ҳуқуқ-тартибот органларининг делегацияси Ўзбекистонда бўлди. Ташриф асносида уюшган жиноятчилик, халқаро террорчилик, наркотикларнинг ноқонуний савдосига қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат имзоланди.

Оқсаройдаги учрашувда ўзаро ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари, минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан фикр алмашилди. Элчи самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

(ЎзА)

ИШЧИ ГУРУҲИНИНГ БИРИНЧИ ЙИҒИЛИШИ

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон олиб борилаётган текширув ишлари ҳамда Андижон шаҳри ва Андижон вилоятида вазиятни барқарорлаштириш юзасидан Ўзбекистон ҳукумати кўраётган чора-тадбирлар мониторингини амалга ошириш бўйича мамлакатимизда фаолият юритаётган Россия, ХХР, АҚШ, Франция, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон элчихоналари вакилларидан иборат ишчи гуруҳини тузиш ҳақидаги таклиф билан чиққан эди.

Мазкур ишчи гуруҳини тузишда унда энг манфаатдор томонлар — жаҳон ва минтақа миқёсидаги етакчи давлатлар, шунингдек, Ўзбекистонга қўшни барча мамлакатларнинг кенг иштирокини таъминлашга устувор аҳамият берилди.

8 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида мазкур ишчи гуруҳининг биринчи ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси, Эрон Ислом Республикаси, Ҳиндистон, Покистон Ислом Республикаси ва барча Марказий Осиё давлатларининг элчилари ва элчихоналари ходимлари иштирок этди.

Ҳозирча гуруҳ ишида иштирок этишини тасдиқламаган АҚШ ва Франция элчихоналарининг вакиллари тегишли манфаатдорлик пайдо бўлган тақдирда, йиғилишда таъкидланганидек, ишчи гуруҳига исталган вақтда қўшилиши мумкин.

Йиғилишда бир қатор ташкилий масалалар ҳал этилди. Ишчи гуруҳининг котибияти тузилди.

Ишчи гуруҳи билан ҳуқуқ-тартибот идораларининг тезкор-тергов гуруҳлари ва Олий Мажлиснинг мустақил комиссияси ўртасида бевосита алоқа ўрнатилди.

Ишчи гуруҳи билан учрашувда парламент комиссияси, Ташқи ишлар вазирлиги, республикамизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари вакиллари иштирок этди. Ўзбекистон томони ишчи гуруҳининг тўлақонли ва холис фаолият юритиши учун ҳар томонлама кўмаклашишга, унинг барча зарур материаллардан фойдалана олишини таъминлашга тайёр эканлигини билдирди.

— Биз бундай ишчи гуруҳи тузилганлигини қўллаб-қувватлаймиз, — деди Россиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшин. — Бу Андижонда рўй берган воқеалар ва олиб борилаётган текшириш ишлари ҳақида жаҳон жамоатчилигига холис ахборот етказиш борасидаги ғоят муҳим қадамдир.

Ишчи гуруҳи йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Э.Ғаниев иштирок этди.

(ЎзА)

ОРЗУЛАРИ БИР ОЛАМ ЭДИ...

Зоҳиджон билан Одинахон бир-бирига кўнгил қўйиб турмуш қуришганди. Ўша куни умр йўлдошини хизматга кузатаётган оила бекаси соғ-омон бориб келишини тилаганди, хурсандчилик билан дийдорлашишга интиқ қолганди.

Бир гуруҳ ёвузларнинг қилмиши осуда оилага мусибат келтирди. Ҳибсхона назоратчиси, старшина Зоҳиджон Мамасодиқов 12 майдан 13 майга ўтар кечаси ўз хизмат бурчини бажараётиб мардларча ҳалок бўлди.

Истеъфодаги майор Тўлқинжон Мамасодиқов фарзанд доғида куйиб қолди. Беш ёшли Моҳинур, икки ёшли Моҳаройим ота дийдоридан бенасиб бўлди.

Қишлоқда камол топган Зоҳиджон бобоси ва отаси изидан бориб, ички ишлар ходими бўлишни ният қилди. Ҳарбий хизматни ўтаб қайтгач, Жалақудуқ туманидаги дон саралаш корхонасида меҳнат қилди. Жамоа йўлланмаси билан ички ишлар тизимига ишга кирди. Ўн бир йил давомида зиммасидаги масъулиятли вазифани садоқат билан бажарди, ҳаммага ибрат бўлди.

— Зоҳиджонни барча яхши кўрарди, ҳурмат қиларди, — дейди дўстларидан бири Мадаминжон Йўлдошев. — Тўй-тантаналаримизнинг қувончи, дўстлар даврасининг «жон»и эди, раҳматли.

Зоҳиджон хизматда ҳам, ҳаётда ҳам ҳаракатчан, меҳнаткашлиги билан ажралиб турарди. Унинг орзулари бир олам эди...

— Ўтган йили кузда янги уй қуриб, кўчиб чиққанди, — дейди дадаси Тўлқинжон ака. — Бўш вақтида деҳқончилик билан шуғулланарди, укаларини ўқитарди.

Зоҳиджон Мамасодиқов оқил фарзанд, ибратли ота, сулоланинг муносиб давомчиси, жасоратли хизматчи сифатида жалақудуқликларнинг, халқимизнинг фахрига айланди.

Тўлқинжон ака мард фарзанд тарбиялаганидан, Одинахон жасоратли умр йўлдошидан, қизлари Ватан учун, тинч ҳаёт учун жон фидо қилган отасидан, дўстлари Зоҳиджондек дилкаш тенгдоши бўлганидан фахрланадилар.

Мард йигитлар юртдошлар қалбида мангу яшайдилар. Ватан содиқ фарзандларини, мард ўғлонларини ҳеч қачон унутмайди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Муносабат

Айни чоқда, фарзандларимиз халқимизнинг бой тарихини, миллий урф-одатларини, бугун эришаётган ютуқларимизни, шунингдек, адабиёт ва санъатимизни, фан ва маданиятимизни жаҳон узра кенг тарғиб этишда ҳам фаол бўлмоқлари даркор. Бунда замонавий ахборот технологиялари, хусусан, интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш лозим.

Ислом КАРИМОВ



АХБОРОТ АСРИДА ЎЗ СЎЗИМИЗ БОР

Бир қарашда бугунги дунё жуда ҳам осуда кўринади. Ҳамма ўз тирикчилигию ташвиши билан андармондек гўё. Бугун ҳеч бир давлат ўқотар қуроллар кўтариб бошқа мамлакат ҳудудига бостириб кирмайди. Лекин эндиликда ундан-да хавфли бўлган ғоялар, мафкуралар кураши авж олмоқда. Бунда ҳар бир куч ўз йўлини тарғиб қилишга ва бошқаларни ҳам ортидан эргаштиришга интилади. Ўзини таниган, буюк келажагини яратишга қодир мамлакатгина бундай курашларда тик тура олади. Ғояга қарши ғоя, билимга қарши билим билан қуролланади.

Шу боисдан ҳам мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ илм-фан ривожига эътибор қаратилди. Ёшларимизнинг замонавий билимларни пухта эгаллаган, ҳар томонлама етук мутахассислар бўлиб етишиши устувор вазифа қилиб белгиланди. Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида замонавий компьютер ва ахборот технологиялари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, уларни дастурий ва рақамли телекоммуникация асбоб-ускуналари билан таъминлаш ана шу вазифанинг узвий бўлагидир.

Ҳозирги тараққиёт босқичида фан ва техниканинг аҳамияти янада ошди. Илғор технологиялар яратиш ва уларни ўзлаштириш жамият фаолиятининг барча соҳаларини тезда ривожлантириш имконини беради. Шу нуқтаи назардан қараганда, яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»**ги қарорининг аҳамияти беқиёсдир.

Ахборот алмашишнинг нақадар муҳимлиги бугунги кунда ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Бирон бир давлат бошқа мамлакатларнинг ахбороти ва тажрибасини ҳисобга олмай туриб, ишланмаларнинг ҳозирги илмий-техник савияда, илмий тадқиқотларнинг рақобатбардош бўлишини таъминлай олмайди. Бу жараён, албатта, ахборот ва компьютер технологиялари бўйича мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришни, ахборот-коммуникация ҳамда инновация технологияларини таълим жараёнига татбиқ этишни тақозо этади.

Шу пайтгача турли таълим муассасаларидаги информатика ва ахборот технологиялари йўналишларида шароитлар, ўқитиш услублари ҳар хил эди. Эндиликда Тошкент Ахборот технологиялари университети ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида мутахассислар тайёрлаш бўйича бош олий ўқув муассасаси этиб белгиланди. Бу эса мазкур соҳа бўйича таълим олаётган барча талабаларни юқори савияли мутахассис қилиб етиштириш имкониятини яратади. Таъбир жоиз бўлса, ўз ҳолича оқаётган дарёлар бир ўзанга бурилиб, ягона мақсад ва вазифаларга йўналтирилди.

Қарорга мувофиқ Нукус, Қарши, Самарқанд, Фарғона ва Урганч шаҳарларида Тошкент Ахборот технологиялари университетининг минтақавий филиаллари ташкил этилади. Бу филиаллар эса республикамиз вилоятлари, барча минтақаларини қамраб олади. Шу билан бирга Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент иқтисодиёт университети, Тошкент ислом университетларида таълимнинг информатика ва ахборот технологиялари йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлаш сақлаб қолинади. Айни пайтгача мазкур йўналиш бўйича таълим олаётган 2-4 курслар талабалари ўқишни давом эттириш учун Тошкент Ахборот технологиялари университетига ва унинг минтақавий филиалларига ўтказилади. Энг эътиборлиси, информатика ва ахборот технологиялари йўналишида кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда минтақавий филиаллар фаолияти янада ривожлантирилади.

Тошкент Ахборот технологиялари университети халқ хўжалигининг турли соҳалари учун кўплаб малакали дастурчи, ахборот-коммуникация технологиялари бўйича мутахассислар етиштириб берувчи Марказий Осиёда ягона етакчи олий ўқув юрти ҳисобланади. Бу ерда талабаларнинг замонавий билим асосларини пухта эгаллаши, ҳар томонлама камол топишлари учун барча қулай шарт-шароитлар яратилган. Талабалар замонавий адабиётлардан, интернет тизимидан мунтазам фойдалана оладилар. Ўқитиш жараёни илғор педагогик технологиялар ва компьютер тизими ёрдамида олиб борилади. Шунингдек, ҳозирги кунда университетда таъминлаш, жиҳозлаш ва компьютерлар билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда. Янги ўқув йилига қадар Тошкент Ахборот технологиялари университети ва унинг минтақавий филиалларини барча қулайликларга эга бўлган замонавий илм даргоҳига айлантириш режалаштирилган. Университетнинг минтақавий филиалларига талабалар қабул қилиш шу ўқув йилидан бошланади.

Эътибор берган бўлсангиз, ахборот ва компьютер технологиялари бўйича мутахассислар тайёрлаш энди улкан бир тизимга айланади. Ҳамма ўқув даргоҳлари ўз билганича эмас, балки чуқур ўйланган, такомиллашган дастур асосида фаолият юритади. Шунингдек, бу тизим ахборот технологиялари, замонавий асбоб-ускуналарнинг мазкур соҳага тааллуқли ўқув даргоҳларига етиб бориши, малакали педагогларнинг жойларга тўғри тақсимланишига имконият яратиши билан аҳамиятлидир.

Бир сўз билан айтганда, XXI аср ахборот технологиялари асридир. Бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар, Юртбошимиз раҳнамолигида бошланган буюк мақсадлар Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари асрида ҳам ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳеч кимникига ўхшамаган ўз йўлига эга бўлишидан муждалар бермоқда.

Анвар САМАДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Суратларда: Тошкент Ахборот технологиялари университети ҳаётидан лавҳалар.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар



«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«МАНҒИТГА ШУНДАЙ БОЗОР ЯРАШАДИМИ?»

Мазкур сарлавҳа остида газетамизда эълон қилинган танқидий-таҳлилий мақолада «Манғит деҳқон бозори»нинг бугунги ҳолати замон талабларига жавоб бермаслиги, Амударё туманининг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятига мос эмаслиги тилга олинган эди. Яқинда мазкур мақола юзасидан жавоб мактуби олинди. Улардан бири Амударё тумани ҳокимлигидан бўлса, иккинчиси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашидан йўлланган. Қуйида мазкур жавоблардан бирини эътиборингизга ҳавола этамиз.

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2005 йил 23 апрель сонида «Манғитга шундай бозор ярашадими?» сарлавҳали мақола чоп этилганди. Танқидий мақола 2005 йил 28 апрель куни «Манғит деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамияти меҳнат жамоасида ва 2005 йил 13 май куни «Қорақалпоқ деҳқон бозори» РАА бошқармаси мажлисида, «Қорақалпоқ деҳқон ва буюм бозорлари» раҳбарлари иштирокида муҳокама қилиниб, мақолада келтирилган хато-камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Туман ҳокимлиги иқтисодий масалалар мажмуасида тегишли мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида мақола муаллифи билдирган деҳқон бозорининг бугунги аҳволи, ободонлаштириш ишлари, пиёдалар юришидаги қийинчиликлар, санитария тозалиги ва сув таъминотининг ёмонлиги каби ҳолатларни бартараф қилиш масалалари кўриб чиқилди.

«Манғит деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамият томонидан чорва моллари бозорида 447,6 минг сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилиб, ёпиқ бозор ойналари, ромлари янгидан бўялди, ундаги 80 ўринли раста таъмирланиб, яна 427,3 минг сўмлик маблағ сарфланди. Гилам-палос билан савдо қилувчи майдончани пиёдалар учун қулайликлар яратиш мақсадида бошқа жойга кўчириш, шаҳар сув тармоқлари идораси билан бозор маъмуриятига бозорда сув таъминотини яхшилаш учун қўшимча сув тармоқлари қуриш, бозор атрофини янада ободонлаштириш ишларини йўлга қўйиш, атрофдаги йўлакчаларни таъмирлаш ва янгидан асфальтлаш, шунингдек, Давлат санитария назорати марказига санитария гигиена қоидаларига амал қилиш юзасидан деҳқон бозорида тегишли ишлар олиб бориш бўйича назоратни кучайтириш ҳамда туман бош меъморига автотранспорт воситалари тўхташ жойини ташкил қилиш учун ер майдони ажратиш вазифалари топширилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши «Манғит деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамиятнинг бозорни энг намунали бозорлардан бирига айлантириш, тадбиркорлар, сотувчи ва харидорларга ҳозирги кун талаблари даражасида қулайликлар яратиш борасида олиб борадиган ишларни туман ҳокимлигига топширилгани ва доимий назоратга олинганини маълум қилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Т.ТАНИРБЕРГЕНОВ»

ПЕКИНДА ИККИ ҲАФТАЛИК ЎҚУВ-СЕМИНАР

Телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Пекинда ШҲТ Котибиятининг ташаббуси ва Хитойдаги «ZTE» корпорацияси кўмаги билан ташкил этилган ШҲТга аъзо давлатларнинг телекоммуникация соҳасидаги мутахассислари, жумладан, ўзбекистонлик вакиллар учун икки ҳафталик семинар ташкил этилди.

У Хитойдаги «ZTE» корпорациясининг ўқув-тайёрлов марказида бўлиб ўтди. «ZTE» телекоммуникация жиҳозлари ва ускуналарини ишлаб чиқариш бўйича Хитойдаги йирик компаниялардан бири ҳисобланади. 2004 йили «ZTE» савдо-сотиғининг умумий ҳажми 4,11 миллиард АҚШ долларидан ошди. Корпорация Ўзбекистонда ҳам ўз фаолиятини ривожлантириб бормоқда. У мамлакатимизда телекоммуникация тармоқларини йўлга қўйиш ва ахборот технология маҳсулотларини олиб келиш ҳамда алоқа соҳасида хизмат кўрсатишда кўмаклашмоқда.

Ўқув семинари жараёнида ўзбекистонлик мутахассисларга телекоммуникация индустриясининг ривожланиши, маълумотларни узатишнинг уяли тармоғи ҳамда сифатли мобиль алоқасини таъминлашнинг замонавий йўналишлари билан яқиндан танишиш имконияти яратиб берилди.

Семинар ниҳоясида бўлиб ўтган маросим чоғи ШҲТ ижрочи котиби Чжан Дегуан ушбу ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида телекоммуникация соҳасидаги ҳамкорлик ва ўзаро тажриба алмашиш бундан кейин ҳам муваффақият билан ривожланажагига ишонч билдирди.

«Жаҳон» АА

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

«ФАОЛИЯТИМИЗ САЙЛОВЧИЛАР НАЗОРАТИДА»

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси Гулистон АННАҚЛИЧЕВА билан суҳбат

— Барчамизга яхши маълумки, истиқлол йилларида мамлакатимизда шаклланган парламент институти қисқа вақт ичида такомиллашиб бормоқда. Халқимиз ўтган йиллар давомида бир палатали Олий Мажлисимиз фаолиятини мунтазам кузатиб борди. Бугун сиз янги парламентнинг Қонунчилик палатаси депутати сифатида бу икки парламент ўртасидаги асосий фарқлар нималардан иборат деб ўйлайсиз?

— Бу ҳақда кўп бор айтилди. Қонунчилик палатаси депутатлари доимий равишда фаолият олиб бормоқдалар.

Ҳаёт каби қонун ҳам бир жойда тўхтаб қолмайди. Давр талаби билан унга тегишли ўзгартиришлар, қўшимчалар киритиб бориш керак. Шароит тақозосига кўра айрим муаммолар бўйича ҳукумат қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб қонунларга ўзгартишлар киритиш тўғрисида таклиф билан чиқади. Депутатлар эса буни фракция ва қўмиталарда муҳокама қилишлари, атрофлича ўрганиб чиқишлари керак. Чунки илгари сурилаётган таклиф мамлакат фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларига, фаолиятларига қарши бўлмаслиги керак. Бу депутатлар томонидан тадқиқ этилиб, шундан сўнг адолатли хулосага келиниши лозим. Чунки улар энг аввало халқимиз манфаатларини ҳимоя этишлари зарур. Қолаверса, қонунда белгиланганидек, депутат вақти-вақти билан ўз сайловчилари ҳузурида бўлади. Бу эса уларнинг халқ хоҳиш-иродасини қонунчиликда ифода этишига асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Дарвоқе, қонунчилик жараёни иборасининг ўзи ҳам депутатлар қолаверса, палатанинг ўзи учун ҳам янги. Энди эса давр талаб қилаётган айрим қонунларни айнан парламентнинг ўзида ишлаб чиқиш керак бўлади. Ҳозир бу борада ҳам турли нуқтаи назарлар бор. Қонунчилик ташаббусига эга бўлган депутатлар ўз сайловчиларининг хоҳиш-иродасидан ва давр талабидан келиб чиқиб, қайсидир бир қонунни ишлаб чиқиш таклифини билдирса, «қани, ўша қонун тайёрлаш бўйича экспертлар хулосаси, консепция борми?» деган талаблар ўртага қўйилади. Тўғри, қонунлар фақат ҳаётдаги муаммолар, бирор соҳадаги зиддиятлар, таклиф ёки мулоҳаза билангина пайдо бўладиган ҳужжат эмас. Профессионал, доимий ишлайдиган парламентда ана шу жараёнларнинг услубий механизми яратилиши зарур. Ўшандагина Ўзбекистон парламентаризмининг ўзига хос қонунчилик мактаби вужудга келар эди. Яъни ҳаёт ва давр талабларидан келиб чиқиб, парламент қўмиталари, фракцияларда экспертлар гуруҳлари, ҳуқуқшуносла, депутатлар ўзаро ҳамкорликда лойиҳалар яратсалар, муҳокамалар жараёнида иштирок этсалар кўпгина саволлар ўз жавобини топади, деб ўйлайман.

Ўтган чақириқлар депутатларининг бир қисми ижроия ҳокимият органларининг вакиллари эди. Энди эса палата асосан сиёсий партиялар ва фуқаролар ташаббускор гуруҳларининг вакилларидан ташкил топган. Демак, палатада бир томонлама нуқтаи назарлар бўлмайди. Ундан ташқари қонун амалга кириши учун Сенатда тасдиқланиши, мамлакат Президенти томонидан имзоланиши керак...

Шу ўринда сайловчиларнинг талаблари ҳақида тўхталиб ўтсам. Қабул қилинаётган қонунлар, ҳужжатлар юзасидан сайловчи бирор-бир фикр билдириб, мен сайлаган депутат уни қонунчиликда акс эттириши керак, деб умид қилади. Лекин бу ерда айрим ана шунга ўхшаган масалаларга ойдинлик киритилади. Бу ўзига хос анжуманлар парламент ва фуқаролар ўртасида кўприк вазифасини ўтайди.

Шунингдек, мен сайловолди учрашувларида сайловчилар эътиборини ЎзХДПнинг Сайловолди Платформасининг мазмун-моҳиятига қаратган эдим. Ўзингизга маълум, бу сиёсий ҳужжатда асосан ижтимоий масалалар, аҳолининг кам таъминланган қисми, ногиронларни қўллаб-қувватлашга аҳамият берилган. Ундан ташқари, партиямизнинг Экологик дастури ҳам Оролбўйи минтақасидан номзодим кўрсатилганлиги учун сайловолди жараёнларида менга кўл келди.

«Орол денгизини таъминловчи сув манбалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва палата муҳокамасига киритиш устида изланиш олиб бораяпман. Бу борада фракция ҳам мени қўллаб-қувватлаяпти. Агар мана шу қонунни қабул қилишга эришсак, сайловчиларнинг асосий талабларидан биттасини бажарган бўламиз.

Бу борада яна бошқа фикрлар ҳам чиқаяпти, яъни **«Экология тўғрисида», «Табиатни асраш тўғрисида»** қонунлар бор. Янги қонун ишлаб чиққандан кўра, шуларга ўзгартиш киритса бўлмайдими? Бўлади, лекин ҳаммага маълумки, Орол денгизи минтақамиздаги улкан экологик муаммо ҳисобланади. Денгизимиз нима сабабдан шу аҳволга тушди? Бу сув манбалари тақсимотидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлмаганлиги, йўл қўйилган ўзибўларчиликларнинг даҳшатли оқибатидир. Амударё, Сирдарё Марказий Осиё республикалари ҳамда Афғонистон ҳудудидан ўтади. Шунинг учун мен таклиф қилаётган мақомни халқаро миқёсда ўрганиш зарур. Халқаро қонунчиликдан маълумки, мисол учун Миссисипи дарёси тўғрисида ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилган. Мамлакатлар ўз дарёларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратишга интилади. Агар дарёларимизни муҳофаза қилиш бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқиб, уни амалга оширишга эришсак, ўйлайманки, бу Орол денгизи ва Марказий Осиё мамлакатлари учун ҳам катта фойда бўлади.

Шунингдек, Ўзбекистон парламенти шу масалани кўтариб чиқса, биз шартномалар асосида конвенциялар ишлаб чиқсак, кейин бу қўшни давлатларда ҳам ратификация қилинади.

— Сизнинг сайловолди дастурингиздан, ҳаракатларингиздан хабардор эдим. Бир қанча муаммолар бўйича аниқ таклифларингиз бор эди...

— Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг 2005 йил учун иш режаси, шунингдек, 2005-2009 йилларга мўлжалланган қонун яратувчилик борасидаги таклифлари тўғрисида қарорлари қабул қилинди. Ўйлайманки, бу жуда ҳам мукаммал ва ҳаётимиздаги кўпгина муаммоларни қамраб оладиган сиёсий ҳужжат. Агар биз фракциямиз аъзолари шуни амалга оширишга эришсак, ўйлайманки, партиямиз ҳам, унинг депутатлари ҳам халққа берган ваъдаларини бажарган бўлади.

Палата қўмиталари ташкил қилаётган кўпгина семинарларда қонунчилик борасидаги халқаро тажрибаларни ҳам ўрганаяпмиз. Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг ўзига хос фаолияти ва талаби ҳам менинг режаларимга аниқлик киритди. Олий Мажлисда ратификация қилинган конвенциялар, шартнома, битимлардаги ҳуқуқий нормалар асосида ўзимизнинг турли соҳа қонунларига ҳам ўзгартириш, қўшимчалар киритиш, яъни имплементация қилиш лозимлигини давр тақозо қилаяпти. Шулардан бири масалан, «Маданий бойликларни ноқонуний олиб кириш, олиб чиқиш ва эгалик ҳуқуқини бошқага ўтказишнинг олдини олиш ва тақиқлашга қаратилган чоралар тўғрисида»ги Конвенция асосида тегишли қонунларимизга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши режалаштирилмоқда.

Энг асосийси, депутатнинг беш йиллик умри бекорга ўтмаслиги, у ўз ташаббускорлигини кўрсата олиши керак. Бугун депутатларимизда шундай ҳаракатлар бор. Мана, иккала парламентнинг асосий фарқларидан яна бири. Жумладан, мен ҳам шу жараёнларда фаол қатнашиш истагидаман. Ҳозир қилишим керак бўлган ишларни бирма-бир санаб ўтмоқчи эмасман. Лекин шуни айтмоқчиманки, олдимга қўйган, халқимиз манфаатларига хизмат қиладиган режаларим янада бойиб бораяпти...

Беҳзод ШУКУРОВ суҳбатлашди.

Тадбир

ОИЛА ТИНЧ — ЮРТ ТИНЧ

мавзуида Фарғона вилоятининг Қувасой шаҳри, Фарғона, Қува туманларида республика «Оила» илмий-амалий маркази аъзолари учрашувлар ўтказди

Тадбирларда «Оила» илмий-амалий маркази раҳбари, психология фанлари доктори Васила Каримова, Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси Мавлудахон Хўжаева, вилоят маънавият ва маърифат бўлими мудири Тоир Абдураимовлар туман фаоллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, хотин-қизлар, ўқитувчилар ҳамда жамоатчилик вакиллари билан бўлган йиғилишларда сўзга чиқиб, Андижонда содир этилган нохуш воқеаларга муносабат билдирдилар.

Жумладан, давлатимиз олиб бораётган изчил сиёсат ёшларнинг билим олишига, келажакда улар ҳеч кимдан кам бўлмай яшашига қаратилгани маърузаларда алоҳида таъкидланди. Мустақил мамлакатимиз истиқболи, шубҳасиз, бугунги ёшлар қўлида эканлиги, маънавий тарбиянинг асоси — энг аввало оиладан бошланиши, фарзандлар ҳаёти учун ота-она масъулияти сўзга чиққанларнинг бош мавзуси бўлди. Халқимизнинг «Бир болага етти қўшни ота-она» деган нақли бежиз айтилмагани, ҳар бир маҳалла-қўйдаги фуқаролар доимо огоҳ бўлиб, фарзандлар тарбиясига жиддий эътибор бериши зарурлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, Андижонда рўй берган нохуш воқеаларда баъзи ёшларнинг иштирок этганлигидан келиб чиқиб, ёшлар ўртасида ватанпарварлик ғояларини кенгроқ тарғиб этиш даркорлиги ҳақида мулоҳазалар билдирилди.

«Аёл — бу, ориф дунё учун мукофот, — деди ўз сўзида профессор **Васила Каримова.** — Оиладаги муаммоларни бартараф этишда беқиёс ўринга эга. Фарзандининг вақтида билим олиши, қайси касбу ҳунар билан машғуллиги, кимлар билан дўстлашаётгани, бўш вақтини қандай ўтказаётгани, хуллас, нуридийдасининг бутун ҳаёти унинг назоратида бўлиши жуда-жуда муҳим. Маърифатли халқда муаммо кам бўлади, дейишади. Бироқ, бизнинг энг ночор жиҳатимиз — айрим аёлларимизнинг кийим-кечак ва тилла тақинчоқларга ўчлиги ҳамда дабдабали тўй-ҳашамларга пул йиғишидир. Ҳолбуки, қизларимиз руҳан ва жисмонан соғлом вояга етсагина жамиятга соғлом фарзандлар етиштириб беради. Уларда ҳашаматли маросимларга ихлос уйғотмай, меъдасини тўқ ва ёшлигидан илму маърифатга ошно этсалар, жамият ривожига кўпроқ ҳисса қўшган бўларди...

Тадбирда Қувасой шаҳри Зебунисо номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раҳимахон Йўлдошева, маслаҳатчи Ойшахон Ҳакимоваларнинг чиқишларида сўнгги икки-уч йилдирки, маҳаллада ёш оилалар сони кўпайиб бораётган бўлса-да қўйди-чиқди, ажрашиш каби муаммолар йўқлиги айтиб ўтилди.

Қувасой туманидаги қўшни Қирғизистон чегарасига яқин жойлашган Полмон қишлоғининг маҳалла фуқаролари йиғини раиси Меливой Мўйдинов ва маслаҳатчи Турсунхон Сатторовалар ҳам бу ерда 900 нафар аҳоли ўзаро аҳил, тинч, осойишта ҳаёт кечираётгани, қурилиш, ободончилик ишлари жадал кетаётгани тўғрисида фахрланиб гапирдилар. Шунингдек, туманнинг Акбаробод қишлоғидаги касб-ҳунар коллежи биносида ўтган учрашувда ҳам оила масъулияти, ота-она ҳушёрлиги — юртимизда тинчлик ва хотиржамликни мустаҳкамлашда муҳим омил эканлиги қайд этилди.

Гулчеҳра МУҲАММАДЖОН

ҚЎШИБ ОЛИШ ЙЎЛИ БИЛАН КОРХОНАНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ХАБАРНОМА

Сирдарё вилояти «Дори-дармон» акциядорлик жамияти жойлашган манзили: Гулистон шаҳар, Паррандачилик жамоа хўжалиги, Улуғобод қўрғони, индекс: 707002, СТИР 200322259

Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролик кодекси»нинг 52-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 95-моддасига асосан ҳамда жамиятнинг 2005 йил 4 июндаги акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига биноан жамият «Дори-дармон» давлат акциядорлик уюшмаси (манзили: Тошкент шаҳри, Охунбобоев майдони, 21-уй, СТИР 00895)га бирлаштирилиши муносабати билан ўз фаолиятини тугатаётганлигини маълум қилади.

Шу муносабат билан Сизга хабар берамиз, Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 95-моддасига мувофиқ, кредитор жамиятдан мажбуриятларини тугатиш ёки уларни муддатидан илгари бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

*Талабномалар кредиторларга қайта ташкил қилиш тўғрисидаги хабарномалар юборилган кундан бошлаб 30 кун ичида қуйидаги манзилга: **700021, Тошкент шаҳри, Охунбобоев майдони, 21-уй, СТИР 00895 тақдим қилиниши мумкин.***

ЎзХДП янгиликлари

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Навоий шаҳар партия кенгаши, хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотлари бўлимлари ҳамкорлигида «Бутун дунё болалари бахтли бўлсин» деб номланган ҳайрия тадбири уюштирилди. Унда Навоий шаҳар ҳудудида истиқомат қилаётган кам таъминланган оилалар фарзандлари ва ногирон болалар иштирок этди. Уюштирилган турли қизиқарли танловлар ва спорт мусобақалари ғолибларига ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Амударё туман кенгаши далаларда меҳнат қилаётган аҳолига маънавий кўмак бериш мақсадида улар билан қатор суҳбатлар, учрашувлар ўтказмоқда. Тумандаги «Тошёп» фермер хўжаликлари бирлашмасидаги Жумамурод Курбонбоев бошлиқ фермер хўжалигида бўлиб ўтган ана шундай учрашув меҳнаткашларда катта таассурот қолдирди. ХДП туман кенгаши раиси Р.Хўжаниёзов ва партия фаоллари йиғилганларга мамлакатимиздаги ислоҳотлар, уларнинг бизга бераётган самарали натижаси, ЎзХДП фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда тинчликни асраш масалалари хусусида гапириб бердилар.

Хоразм вилоят адлия бошқармасида «Гиёҳвандлик — аср вабоси» мавзуида ўтказилган илмий-амалий анжуманда ЎзХДП вилоят кенгаши ҳам фаол иштирок этди. Анжуман қатнашчилари гиёҳвандлик иллатининг миллатимизга таҳдиди, ёш авлодни бу балодан асраш масалаларига эътибор қаратдилар. Вилоят партия кенгаши раиси Р.Сабуров бу ишларда партия ташкилотларининг иштироки ҳақида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, вилоят партия кенгаши, прокуратура ҳамда «Кино плюс DVD» МЧЖ билан биргаликда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, турли оқим ва гуруҳлар таъсиридан асрашга қаратилган тадбирлар ўтказишни йўлга қўйди. Улардан бири Урганч шаҳрида жойлашган касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирокида ўтказилди. Ёшларга ҳуқуқ-тартибот ходимлари, партия фаоллари диний экстремистик ташкилотларнинг фаолияти, уларнинг ислом дини ниқоби остидаги ёвуз ниятлари ҳақида гапириб бердилар. Улар учун «Ҳизбут-таҳрир» таълимотида диний экстремизм», «Наркотеррор — эълон қилинмаган уруш» номли ҳужжатли фильмлар намойиш этилди.

✧✧✧

Ўзбекистон ХДП ташкилотлари томонидан Андижонда юз берган воқеаларга бағишланган учрашувлар, суҳбат ва мулоқотлар, сиёсий тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, **Термиз тумани**да партия фаолларининг аҳоли вакиллари билан учрашуви бўлиб ўтди. ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси Ҳ.Эрматов Андижон воқеалари муносабати билан ўтказилган матбуот анжуманида Президентимиз томонидан билдирилган фикрлар, ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитаси ва Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг Баёноти мазмун-моҳияти тўғрисида сўзлаб берди. Айни пайтда партиямизнинг ҳар бир аъзосини, барча фуқароларни огоҳликка, ёвуз ниятли кимсаларга қарши курашишга чақирди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ЯНГИ ЛАБОРАТОРИЯ

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат

Бугунги кунда Тошлоқ туманида 23600 та хонадон ва 200 та хўжалик юритувчи субъектлар табиий газдан фойдаланмоқда. Туман газ идораси ишчи-хизматчилари уларга газ ҳисоблагичларни ўрнатиш ишларини давом эттирмоқда. Бунинг натижасида газдан тежамли фойдаланиш ҳамда унинг тўловларини ўз вақтида ундириш имкониятлари юзага келяпти.

Шуларни эътиборга олиб, аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида яқинда бу ерда газ ҳисоблагичларни таъмирловчи лаборатория ишга тушди. 3 нафар малакали мутахассис мазкур ишларга жалб этилган. Улар бир ойда 50 га яқин ана шундай ускуналарни тез ва сифатли таъмирлашни амалга оширмоқда. Янги лаборатория хизматидан Марғилон шаҳри, Қува, Охунбобоев, Ёзёвон туманлари табиий газ истеъмолчилари фойдаланмоқда.

✧✧✧

Суратда: янги лабораторияда таъмирловчи усталар Анвар Эминов ва Қудратилло Маллабоев иш жараёнида.

Биз билган ва билмаган тарих

МОЗИЙ ИБТИДОСИ...

Мамлакатимиз олимлари кейинги йилларда Самарқанд воҳасининг ҳақиқий тарихини яратиш борасида бир қатор муваффақиятларни қўлга киритишди.

Самарқанд ўзининг географик жойлашишига кўра, бутун Марказий Осиё халқлари қадим тарихининг шаклланишида, иқтисодининг ривожланишида ва маданий ҳаётининг тараққиётида асосий роль ўйнаган ўлка ҳисобланади. Шу билан бирга воҳа инсоният тарихида муҳим аҳамиятга эга нуқталардан бири бўлган. Буни кейинги йилларда Самарқанд ва унинг атрофларида олиб борилган изланишлар натижасида топилган тарихий тараққиётдан гувоҳлик берувчи ибтидоий маконлардан ҳам билса бўлади.

Жануб ва жануби-шарқ томондан Зарафшон тоғлари, Шимол, шимоли-шарқ томондан Туркистон тизмалари билан ўраб олинган ва ўртасидан Зарафшон дарёси оқиб ўтадиган бу қулай географик воҳа ибтидоий одамлар томонидан ўзлаштирила бошланганлигини кўпчилик мутахассислар ўрта палеолит ёки мустье (бундан 100-40 минг йил аввал) даврига оидлигини таъкидлашади. Бу даврда, яъни плейстоцен даврининг охиридан Ўрта Осиёнинг жуда кўплаб ҳудудларида ҳавонинг нисбатан нам ва анча совуқ бўлганлиги кузатилади.

Иқлимнинг бундай ўзгариши ибтидоий одамларни табиий шароитга мослашишга мажбур қилди. Жумладан, улар ўзларига маълум бўлган ва оғзи жануб томонга қараган табиий ғорларни эгаллашди, чунки ҳар ҳолда кун чиқиб турганда ғор ичи анча илиб унда яшаш имконияти мавжуд бўлган.

Шунинг учун ҳам Зарафшон водийсидаги кириш қисми жануб ёки жануби-шарқ томонга қараган ва айнан илк палеолит даврига оид ёдгорликлар Омонқўтон, Ғўрдара, Такалисой каби ғорлар бўлиб, булар ўша давр ибтидоий одамларининг асосий турар жойлари ҳисобланган.

Яқинда шундай ғорлардан яна иккитасини профессор Р.Сулаймонов бошчилигидаги Ўзбек-Америка археологик экспедицияси Омонқўтон ғори атрофларида изланишлар олиб бораётган даврда топишди. Бу ғорлар Самарқанд воҳаси билан Қашқадарё ўртасидаги Қоратепа тоғларининг жануб томонида (Қашқадарё вилояти қисмида), яъни Оёқчисойнинг юқори оқимида жойлашган.

Маҳаллий аҳоли бу ғорлардан бирини «Каттакамар» деса, иккинчисини «Ангиллак» деб аташади. Илгари археологлар бундай ғорлар борлигини билишса ҳам, уларда бир пайтлар ибтидоий одамлар яшаганлиги ҳақидаги маълумотлар фанда қайд этилмаган эди.

Ёдгорликлардан бири Каттакамар ғорида олиб борилган қазишма ишлари бу ерда одамлар ўрта палеолит (мустье) даврида анча муддат давомида қўним топганини кўрсатди. Лекин, маълум вақт ўтгандан кейин зилзилалар таъсирида бўлса керак, ғорнинг айвони томининг бир қисми кўчиб тушади ва маданий қатламларни кўмиб қўяди. Шундан кейин унга ибтидоий одамлар камдан-кам кирадиган бўлишган. Шунинг учун бўлса керак илгари бу ерга келган археологлар ғорнинг ибтидоий одамлар макони бўлганлигини билмаган.

Кўчиб тушган ғор томининг остидан топилган тош қуроллари ҳақиқатан ҳам мустье даврига оид эканлиги аниқланди. «Каттакамар» ғорининг ҳажми 17х12 метр бўлса, «Ангиллак» ғорининг ҳажми 10х7 метр эди.

«Ангиллак» ғорида олиб борилган қазишма ишлари унинг келгуси изланишлар учун анча қулай ва яхши натижа бериши мумкинлигини, бу ғорда ҳам мустье даври одамлари яшаганини кўрсатди. Ҳар икки ғорда кун кечирган ибтидоий одамларнинг келиб чиқиши, улар турмуш даражасининг бир хил эканлигини бу ерда сақланиб қолган тош қуроллардан билса бўлади. «Каттакамар» ва «Ангиллак» ғорларининг топилиши Қашқадарё вилояти учун биринчи мустье даври ёдгорлиги бўлса-да, лекин бу ёдгорликлар Самарқанд воҳасида топилган ибтидоий одамлар яшаган қароргоҳларнинг бир қисми эди. Экспедиция аъзолари унда қазиш ишларини давом эттиришга ахд қилишди.

Юқоридагилардан «ўрта палеолит ёки мустье даврида яланглик ерларда одамлар яшамаган экан» деган хулоса келиб чиқмайди. Самарқанд воҳасида тилга олинган ғорлардан ташқари Кўтирбулоқ ва Зирабулоқ каби Зарафшоннинг юқори қисмида, булоқ сувлари бўйларидаги очиқ жойларда вужудга келган маконлар ҳам борлиги илгариги археологик изланишлардан ҳам маълум эди. Айниқса, Кўтирбулоқ манзили Зарафшон воҳасидаги биринчи кўп қатламли мустье даврига оид ёдгорлик ҳисобланади ҳамда кўпчилик олимларнинг фикрига кўра, айнан шу ёдгорлик бутун жаҳонга танилган Теш-иктош, Кўлбулоқ, Обираҳмат ва Хўжакент каби ёдгорликлар қаторидан жой олади.

Шунинг учун ҳам бу ёдгорлик илгари Н.Тошкенбоев ҳамда Р.Сулаймонов томонидан ўрганилган ва алоҳида монография бўлиб чоп этилган бўлишига қарамасдан, Кўтирбулоқ ёдгорлиги аҳамиятининг жуда ҳам катта эканлигини тушунган Ўзбек — Польша археологик экспедицияси аъзолари бу жойда қўшимча қазишма ишлари ўтказишди.

Шарҳловчи минбари

РОССИЯ ВА АРАБ ДУНЁСИ

Агар Россияни собиқ СССРнинг меросхўри деб ҳисоблайдиган бўлсак, бу давлат қайта қуриш йилларидан бошлаб эски дўстлари — араб давлатларидан бироз узоқлашгандай бўлди. Илгари араб дунёси билан яқин ҳамкорлик собиқ империя ташқи сиёсатида устувор йўналиш эди. Айниқса, Миср, Жазоир, Сурия, Ироқ каби давлатлар ишончли стратегик ҳамкор сифатида тилга олинарди. Баъзи давлатлар билан нафақат сиёсий ҳамда иқтисодий, балки ҳарбий ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилган эди. Фаластинликларнинг озодлик ва мустақиллик учун курашлари ҳамиша қўллаб-қувватланарди. Ҳатто Африкадаги Миср ва Жазоирдан бошқа бир қатор араб давлатлари ҳам Москвани орқа қилишарди.

Муносабатлардаги узоқлашиш Михаил Горбачев даврида бошланган бўлса, Борис Ельцин президентлик қилган йилларда кучайди. Горбачев муаммолари тўлиб-тошиб ётган арабларга ҳомийлик ёки оғалик қилишдан кўра, ғарбга қуллуқ қилишни афзал, деб билди. Ельцин бўлса, мулкни хусусийлаштириш, ваучерлаштириш ҳамда жамиятни демократлаштириш билан овора бўлиб қолди. Бироқ дўсту душман олдида арабларни хафа қилиб қўймаслик мақсадида иккинчи, учинчи даражали дегандай, барибир қандайдир делегацияларни юбориб туришди.

Афтидан, Владимир Путин эски дўстлик ипини боғлашга қарор қилди. Путиннинг хоҳиши араб дунёсининг интилишига мос бўлиб тушди. Олдинги муносабатларнинг қайта тикланаётганлигидан араблар ҳам, руслар ҳам чексиз мамнуният изҳор этмоқдалар.

Россия араб дунёси билан алоқаларни мустаҳкамлашга 2005 йилдан бошлаб астойдил киришди. Москва дастлаб Сурия президенти Башар Асадни иззат-икром билан кутиб олди. Бир пайтлар унинг отаси Ҳофиз Асад бу ерга ҳурматли меҳмон сифатида келиб кетарди. Февраль ойи охирида бўлиб ўтган олий даражадаги Россия — Сурия мулоқотлари самарали кечди. Энергетика, транспорт, енгил саноат, туризм каби соҳаларда ахдлашувларга эришилди. Россияда асл келиб чиқиши суриялик бўлган 40 минг аҳоли яшайди. Асл ватанлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатишда улар икки мамлакат ўртасида кўприк вазифасини ўташлари мумкин. Бундан ташқари, бугунги кунда Сурияннинг ўзида бир пайтлар Россияда ўқиб диплом олган 35 минг нафардан ортиқ турли соҳа мутахассислари меҳнат қилмоқда. Россиянинг ҳарбий ўқув юртларини тугатган суриялиқлар сони 70 минг нафарга яқин. Ҳозир эса 17 минг нафар талаба Россияда таълим олмоқда. Буларнинг ҳаммаси, сўзсиз, икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қиладиган омиллардир.

Гап Сурия ҳақида борар экан, бугун бу давлат совет тузумидан ибрат олган олдинги мамлакатдан тубдан фарқ қилишини айтиб ўтмоқчимиз. Ҳозир иқтисодни эркинлаштириш ва сиёсий ҳаётни демократлаштириш жараёни боряпти. Оммавий ахборот воситалари тобора эркинликни қўлга киритмоқда. Мақсад — демократик ўзгаришлар ва ислоҳотлар йўли билан халқнинг турмуш даражасини ошириш. Муҳожирлар ишлари бўйича вазир Бусейна Шаъбаннинг гапига қараганда, Сурия Америка русумидаги ғарб демократиясидан нусха кўчирмоқчи эмас. Унинг ўз танлаган йўли бор. Ҳеч қандай тарихий асосга эга бўлмаган таклифлар-у маслаҳатларга ҳамда тазйиқларга қулоқ солмоқчи эмас.

Жазоир кўп йиллар олдин савдо-иқтисодий ҳамда ҳарбий соҳаларда Москванинг энг ишончли ҳамкорларидан бири эди. Айниқса, Хрушчев даврида бу ҳамкорлик чуқур илдиз отди. Армия 90 фоиз совет қуроллари билан таъминланди. Икки ой олдин Россия парламенти юқори палатасининг раиси Сергей Миронов Жазоирда бўлди. Президент Бутефлика эски дўстларни соғиниб қолган кўринади, у билан узоқ суҳбатлашди. Чунки дардлашадиган ҳолатлар юз берганди. Айниқса, тўқсонинчи йилларда Жазоир оғир дамларни бошидан кечирди. Ўн йил давом этган ички низо ва қўпорувчилик ҳаракатлари натижасида қарийб 150 минг киши қурбон бўлди, 50 минг киши бедарак йўқолди. Ана шу даврда мамлакат дўстларнинг ёрдами ва маслаҳатига муҳтож бўлди. Тинчлик ва барқарорлик ўрнатила бошланганига эндигина тўрт йил бўляпти. Мамлакатда амнистия масаласи бўйича референдум ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Мироновнинг ташрифини ўртадаги сусайиб қолган эски ҳамкорликнинг янги куч билан қайтадан тикланиши деб қабул қилиш керак. Келажакда Путиннинг ҳам Жазоирга бориши эҳтимолдан ҳоли эмас, деб тахмин қилинмоқда. Жазоирнинг ҳамкорликни ривожлантириш учун иқтисодий имкониятлари катта. Биргина газ ва нефтнинг ўзидан йилига 26 миллиард доллар миқдорида даромад олинади. Туризмни ривожлантириш учун жуда қулай шарт-шароитлар мавжуд. Россия Жазоир билан нефть ва газ саноатида ҳамкорлик қилиш истагини билдирмоқда.

Шу йил апрель ойининг охирида Россия — Миср муносабатларида янги саҳифа очилди. Россия президенти Мисрга биринчи марта расмий ташриф билан борди. Музокаралар самарали бўлди. Владимир Путин билан Хусни Муборак дўстона мулоқотлар пайтида икки томонлама алоқалардан ташқари энг долзарб халқаро масалаларни, жумладан, Яқин Шарқ ҳамда Ироқда юзага келган вазият билан боғлиқ муаммоларни ҳам муҳокама қилдилар. Қарашларда эса ўхшашлик ва яқинлик борлиги таъкидланди.

Музокаралар якунида имзоланган қўшма баёнотда Миср учун ёқимли бўлган бир жумла бор. Яъни, унда айтилишича, Россия Мисрга халқаро ҳамжамиятнинг нуфузли ва муҳим аъзоси сифатида қарайди ва шу муносабат билан маълум қиладики, Миср БМТнинг кенгайтириладиган Хавфсизлик Кенгашида доимий аъзолик ўрнига муносиб номзодлардан биридир, деб ҳисоблайди. Ҳақиқатан ҳам араб давлатлари орасида Миср ана шундай салоҳият эгаси бўлишга муносиб. Умуман олганда, Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари сафида бирорта ҳам мусулмон мамлакати йўқлиги ажабланарли. Ваҳоланки, мусулмонлар сон жиҳатидан дунёда иккинчи ўринда туради. Шунинг учун ҳам араб дунёси Россиянинг таклифидан мамнуният изҳор этмоқда.

Умуман, Путиннинг Мисрга ташрифи жаҳон сиёсат оламида Москва билан Қоҳира ўртасида бир пайтлар гуркираб ривожланган ҳамкорликнинг қайта тикланишига ишора сифатида қабул қилинган бўлса, унинг Фаластин мухториятига ташрифи Россия Яқин Шарқдаги олдинги ўз ўрнига қайтмоқчи эканлигидан далолат деб талқин қилинди. Фаластинликларнинг озодлик учун курашларини Россия олдин ҳамиша қўллаб-қувватлаб келган. Ёсир Арафот бир замонлар Москвада таҳсил олган эди. «Совуқ уруш» давридан сўнг Россия Яқин Шарқдаги муаммони ҳал этишда ҳаракатлантирувчи куч сифатидаги ўз имкониятини бой бериб қўйди. Демак, энди ўз ўрнини тиклаш ниятида. Бу ният Путин ҳали Қоҳирада эканлигидаёқ маълум бўлиб қолди. Яъни у Хусни Муборакка шу йилнинг кузида Москвада БМТ, АҚШ, Европа Иттифоқи ва Россия вакиллари иштирокида Яқин Шарқ бўйича халқаро анжуман ўтказиш таклифини баён қилди. Шубҳасиз, бу таклиф бошқалар томонидан ўрганиб чиқилади.

Бизнингча, Россиянинг араб дунёси билан яқин ҳамкорлик қилиш йўлидаги интилишлари ва бу борада Владимир Путин қўйган дастлабки амалий қадамлар халқаро ҳаётда ижобий ҳолат сифатида тахсинга сазовордир. Бу жаҳон кун тартибида турган долзарб масалаларни биргаликда ҳал этиш, ер юзида барқарор тинчлик ўрнатишга ҳамкорликда ҳисса қўшиш, улуғвор ишлар ва режаларни амалга оширишда бир-бирларига таяниш йўлида қўйилган муҳим қадамдир.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи

ЯНГИЙЙЎЛ ТУМАН
ГУЛБАҲОР САНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

2005-2006 ўқув йилига 9 йиллик тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлган ўғил-қизларни қуйидаги мутахассисликлар бўйича кундузги 3 йиллик муддатли

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:




- тикув буюмларини ишлаб чиқариш ва моделлаштириш бўйича мутахассис;
- пахта ишлаб чиқариш жиҳозларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича техник;
- автотранспорт воситалари ва электрожиҳозларни таъмирлаш, ишлатиш ва ТХК бўйича механик;
- қишлоқ хўжалик машина ва ускуналарини таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш, ишлатиш бўйича механик;
- нон, булка, макарон ва қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича мутахассис;
- компьютер тармоқлари ва офис жиҳозларини таъмирлаш ва созлаш бўйича мутахассис;
- бухгалтер-аудитор;
- молиячи.

Ўқишга кирувчилар консултатив марказга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари керак:

✓ коллеж раҳбари номига ариза;
✓ 6 дона 3х4 ҳажмдаги фотосурат;
✓ тиббий маълумотнома 086/у шаклида;
✓ 9-синфни тугатганлик гувоҳномаси (асл нусхаси);
✓ доимий яшаш жойидан берилган маълумотнома;
✓ касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ҳудудий ташҳис марказининг тавсияномаси.

Ўқишни муваффақиятли битирган талабалар мутахассисликлари бўйича иш билан таъминланадилар ёки олий ўқув юртларига ўқишга кириб, таълимни давом эттиришлари мумкин.

Ҳужжатлар 20 июндан 1 августгача қабул қилинади

ТАЛАБАЛАР ЁТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ.

Манзил: Янгийўл тумани, Гулбаҳор қўрғони, Ш.Рашидов кўчаси, 6-уй. Телефонлар: (8.260) 62-753; 62-575; 62-609.

XORIJDA

ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТ

Таниқли ҳуқуқшунос, Венгрия Конституциявий судининг собиқ раиси Ласло Шойом мамлакат бошқарувини ўз қўлига олди. У Венгрия парламенти депутатлари орасида учинчи бор ўтказилган сайловда кўп овоз олишга муваффақ бўлди.

Муҳолифат томонидан қўллаб-қувватланган Ласло Шойом учун 185 депутат овоз берди.

Сайловлар давомида Ласло Шойом бир неча марта ҳуқуқий соҳадаги билимларини Венгрияда конституциявий меъёрларни ҳамда қонун устуворлигини таъминлаш учун бағишлашга ваъда қилган.

ИШЧИЛАР СОНИ КАМАЯДИ

Дунёда энг йирик автомобиль ишлаб чиқарувчилардан ҳисобланган General Motors компанияси даромадларини кўпайтириш учун хизматчилар сонини камайтирмоқчи эканини маълум қилди.

Директорлар кенгаши раиси Рик Вагонер 2008 йилгача Жанубий Америкадаги баъзи заводларни ёпиш ва 25 минг ишчини бўшатиш режаси борлигини айтди.

General Motors Америкада машиналар сотилиши бўйича етакчи ўринда туради. Аммо Японияда ишлаб чиқарилаётган машиналар бу компания маҳсулотларини бозордан сиқиб чиқармоқда.

ОГОҲЛАНТИРДИ

Боливия президенти Карлос Месса мамлакат фуқаролар уруши арафасида тургани ҳақида огоҳлантирди.

У телевидение орқали миллатга қилган мурожаатида аҳволни яхшилаш учун сайлов ўтказиш лозимлигини таъкидлади.

Президент истеъфога чиқишга тайёрлигига қарамай мамлакат пойтахти Ла-Пасда полиция ва ҳукуматга қарши намойишчилар ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтди.

Намойишчилар нефть саноатини миллийлаштиришни талаб қилишмоқда.

ҚАРЗЛАР КЕЧИЛАДИМИ?

АҚШ президенти ва Буюк Британия бош вазири ривожланмаган мамлакатлар аҳволини енгиллаштириш бўйича келишувга эришиш мумкинлигини маълум қилишди.

Вашингтонда бўлиб ўтган учрашувда раҳбарлар ривожланмаган мамлакатларнинг қарзи масаласини муҳокама қилишди.

Июль ойида Шотландияда бўлиб ўтадиган «Катта саккизлик» саммитига мезбонлик қиладиган Британия ҳукуматининг режаси бўйича Африка мамлакатлари қарзларидан кечиб юбориш учрашувдаги асосий масала бўлиши керак. Бироқ Лондон ва Вашингтон бу қарзларни қайси маблағлар ҳисобидан қоплаш бўйича келишганларича йўқ.

— Биз қарзларни кечиб юбориш бўйича келишувга яқинлашиб қолдик, — деди Вашингтондаги қўшма матбуот анжуманида Британия бош вазири Тони Блэр.

УЧТА КУЧЛИ ПОРТЛАШ

Индонезия пойтахти Жакарта жанубида учта кучли портлаш рўй берди.

Террорчиликка қарши кураш муассасаси раҳбарининг маълум қилишича, портловчи мосламалардан бири радикал мусулмон тақводори Абу Жаброил уйи олдида ҳаракатга келтирилган. Уй эгаси талафот кўрмаган.

Қолган икки портлаш оқибатида ҳалок бўлганлар тўғрисида маълумотлар йўқ.

ТАБИИЙ ОФАТ ОҚИБАТИДА

Хитойнинг Хунань музофотида тўхтамай ёғаётган ёмғирдан ҳалок бўлганлар сони 120 тага етди, 63 шахс изсиз йўқолган.

Иян шаҳрида ўзанидан чиққан дарё ва селлар 2270 та уйни ювиб кетган, 22 минг киши бошпанасиз қолди. Умумий ҳисобда кейинги кунлар табиий офатдан музофотнинг бир миллионга яқин аҳолиси жабр кўрди.

«Daromad Plus» ЁАЖ ИФ қуйидаги эмитентга доир акцияларни сотиб олиши ҳақида маълум қилади:
«QURILISHMATERIALSANOATBUTLASH» АЖ. Тошкент шаҳри, Мироқилов кўчаси, 68А. Оддий акция, тўлов — пул ўтказиш йўли билан, 1215 (Бир минг икки юз ўн беш) дона, Низом фондининг 10,03 фоизи.

5

Ёдгорликнинг жаҳоншумул аҳамияти қўшимча қазишмалар билан тасдиқланганидан кейин экспедициянинг Польша томонидан раҳбари Карл Шимчак ва ўзбекистонлик раҳбари М.Ҳўжаназаров археологлардан Р.Сулаймонов, Н.Тошкенбоев билан ҳамкорликда Польшада 2002 йили инглиз тилида «Кўтирбулоқ ва Зарафшон воҳасидаги мустье даври» тўғрисида алоҳида монография чоп этишди.

Самарқанд воҳасида тош давридаги аждодларимизнинг тараққиёти узлуксиз бўлган. Ўрта палеолит давридан кейин келадиган юқори палеолит даври маконлари Самарқанд шаҳрининг марказидан оқиб ўтадиган Сиёбча сойининг ўнг қирғоғида топилган. Ундан кўплаб чақмоқтош ва диоритдан ясалган катта-кичик болталар, теша вазифасини ўтовчи тош йўғнағичлар чиқди. Худди шундай меҳнат қуроллари шаҳарнинг бошқа қисмларидан ҳам топилди.

Шунингдек, Самарқанд маконида ибтидоий одамлар яшаган чайлаларнинг излари учрайди. Мустье даврида ибтидоий жамоалар фақат табиий имкониятлардан фойдаланиб асосан ғорларда, айрим гуруҳларигина яланглиқда истиқомат қилган бўлса, юқори палеолит даврига келиб улар тўлиқ яланглиқда чайлалар тиклаб яшашга ўрганишган. Шунинг учун ҳам бу ердан топилган чайла тўғри бурчак шаклига эга бўлиб, унинг умумий майдони 100 метр квадратни ташкил этади.

Худди шу маконнинг ўзидан бир нечта одамнинг жағ суяклари, тишлари топилди. Антропологларнинг фикрига кўра, бу суяклар кроманион одамининг суякларидир.

Айнан юқори палеолит давридан бошлаб Самарқанд шаҳрининг ўрни ибтидоий одамлар томонидан тўлиқ эгалланганлигини Афросиёб ёдгорлигининг турли қисмларидан топилган кўплаб тош даври қуролларидан ҳам билса бўлади.

6

Айнан Самарқанд шаҳрининг ўзидан мезолит ва неолит даврига оид маконлар топилганича йўқ. Лекин, шундоққина шаҳарнинг жанубий қисмидаги тоғларнинг этагида жойлашган Сазағон ва Тим қишлоқларида Самарқанд давлат университети ўқитувчилари археологик изланишлар олиб бориб, воҳанинг ибтидоий тарихига доир кўплаб маконларни топишди ва бу манзиллардаги одамлар ҳайвонларни овлаш, ўсимликларни йиғиш билан шуғулланишгани, кейинроқ эса ишлаб чиқариш натижасида хўжалик юритишни эгаллаш даражасига кўтарилганликларини аниқлашди.

Бу ердаги қабилалар ҳаётининг узлуксиз давом этганлигини микролитик характерга эга бўлган ва чақмоқтошдан ясалган кўплаб меҳнат қуроллари, қирғичлар, рандачалар, ўроқчаларнинг қадамалари, бигизлар, камон ўқининг учлари, нуклеуслар ва бошқалар далиллайди.

Самарқанд шаҳри ва унинг атрофларида мезолит (ўрта тош) даври ёдгорликлари ҳам кўп учрайди. Мезолит даврида ер юзидаги иқлим ҳозирги шароитга бирмунча яқинлашади. Одамлар яшаш учун фақат куч эмас, балки ақл-идрокни ишлата бошлашди. Инсоният ўқ ва камонни кашф этди. Эндиликда инсон фақат табиатдаги тайёр неъматларни тановул қилибгина қолмасдан уни етиштиришни, парваришлашни ўргана бошлади. Одамнинг қўлига ўрганган энг дастлабки ҳайвонит бўлди.

Самарқанд ва унинг атрофларида ҳам айнан мезолит ва неолит даврини ўрганиш бўйича катта ишлар қилинди. Унда Самарқанд давлат университети археология кафедрасининг профессори М.Жўрақулов ва доцент Н.Холматовлар Сазағон қишлоғи ва айниқса шу ердаги чашма атрофида жойлашган Олмабулоқ палеолит маконини ўрганишиб, бу ердаги тараққиёт ўрта палеолит давридан неолит даврига узлуксиз бўлганлигини ҳамда ушбу жойда яшаган ибтидоий одамлар юксак маданият қолдириб кетганликларини илмий исботлашди.

7

«Тепақўл-4» ёдгорлигининг қатламларидан яхши сақланган сопол парчаларининг топилиши катта аҳамият касб этди, чунки улар шу атрофлардаги «Сазағон-2», «Жангал-1» ҳамда «Калтаминор» маданиятидан топилган сопол идишларнинг ўзгинаси эди. Айнан шундай сопол ишлаб чиқариш ҳунармандчилигини эгаллаган жамоалар илк деҳқончилик билан шуғулланиш имкониятига эга бўлганлар.

ЎзР ФА Археология институти билан Варшава университети Самарқанд воҳасидан бироз ғарброқдаги Қизилқумда жойлашган Зарафшон дарёсининг қадимги тармоқларидан ҳисобланган Аёқагетма ботиғи атрофларида ҳам илмий изланишлар олиб боришди.

Унинг натижалари кутилганидан кўра самарали бўлди. Бу ерда қадимги ўзаннинг 3 та терассаси аниқланди. Яқин 140 квадрат метр майдонда археологик қазишмалар ўтказилиб, у ердан неолит даври жамоаларининг турар-жой макони топилди. Олиб борилган қазишмалар натижасида ёдгорликнинг икки қатламли эканлиги, унинг қатламлари бузилмаганлиги, маданий қатламларда неолит даврининг минглаб топилмалари сақланганлигини аниқлашди.

8

Ёдгорликнинг ватанимиз қадимги тарихи ва маданиятини ўрганишдаги аҳамияти беқиёсдир. Шу нарсани айтиш жоизки, Зарафшон дарёсининг қуйи қисмида юзлаб мезолит ҳамда неолит даврига оид маконлар топилган. Лекин уларнинг фақат учтасида аниқ маданий қатламлар борлиги аниқланганлиги учун Аёқагетма ёдгорлиги тўртинчи ҳисобланади.

Аёқагетмадаги маданий қатламларда ўчоқ ва гулханларнинг ўрни борлиги аниқланди. Маданий қатламлардан минглаб тош қуроллари, тошдан силлиқлаб ясалган мунчоқлар, денгизлардан келтирилган ва махсус тешилган чиғаноқлар топилди. Яна муҳими шуки, бу ёдгорликда қуйган қатламларнинг кўплиги ва кўмирга айланиб қолган ёғочларнинг борлиги сабабли аниқ радиокарбон анализини олиш имконияти бор. Шунинг учун ёдгорликда келажакда қазиш ишларини ўтказиш яхши натижалар беради, деб ўйлаймиз.

Бу ерда қадимги тарихимиз ва маданиятимизнинг биз билмаган қисмига доир қўшимча маълумот олишдан ташқари қадимги палеоэкология тарихига оид манбаларга ҳам дуч келиш мумкин.

Кейинги йилларда Самарқанд воҳаси ва унинг атрофларида ибтидоий тарихни ўрганиш бўйича олиб борилган илмий изланишлар Самарқанднинг қадимги тарихи бойлиги ва инсоният тараққиётидаги муҳим занжирлардан бири эканлигини яна бир карра тасдиқлади.

Муҳаммаджон ИСОМИДДИНОВ,
ЎзР ФА Археология институтининг етакчи илмий ходими, тарих фанлари доктори

Спорт

ВОДИЛДА КУРАШ БАЙРАМИ



Фарғона водийсининг сўлим гўшаларидан бири Водил қишлоғида курашнинг бухороча ва фарғонача усуллари бўйича Ҳамид полвон ҳамда Темир полвонлар хотирасига бағишланган халқаро турнир ўтказилди. Унда қўшни Тожикистон, Қирғизистон республикаларидан ҳам полвонлар иштирок этди. Халқ сайлига айланиб кетган ушбу мусобақада икки юзга яқин курашчи ғолиблик учун гиламга чиқди.

Кейинги пайтда халқаро миқёсда кураш номи билан шуҳрат топган бухороча усулдаги беллашувларда ғолиб ва совриндорлар етти вазн тоифасида аниқланди. Мусобақа якунида Шукрулло Рустамов (60 кг., Фарғона), Бахтиёр Холмўминов (66 кг.), Ғофур Мухторов (73 кг., иккаласи ҳам Тошкентдан), Зариф Бозоров (81 кг., Бухоро), Улуғбек Исмоилов (90 кг. Сурхондарё), Акбар Йўлдошев (100 кг., Тошкент), Нодирхон Музаффаров (+100 кг., Қашқадарё)лар ўз вазн тоифаларида шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олишди.

Фарғонача усулда беллашган полвонлар ҳам етти вазн тоифасида гиламга чиқдилар. Унда Қодиржон Умрзоқов (60 кг. Фарғона), Мадамин Салаев (66 кг. Андижон), Асилбек Эгамбердиев (73 кг. Тошкент), Ихтиёр Эгамов (81 кг. Фарғона), Зоҳид Жумақулов (90 кг. Андижон), Шерзод Мирзанов (100 кг. Тошкент), Оятулла Ҳакимов (+100 кг. Андижон)ларга тенг келадигани топилмади.

ЧОРАК ФИНАЛЧИЛАР АНИҚ

Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги 1/8 финал баҳслари ниҳоясига етди.

Марказий учрашувлардан бири Зарафшонда «Қизилқум» — «Насаф» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Бу жамоаларнинг Қаршида уюштирилган дастлабки ўйинида мезбонлар 3:1 ҳисобида зафар қучганди. Шу боис, «Насаф» футболчилари жавоб учрашувини ҳам кўтаринки кайфиятда бошлашди. Дастлабки бўлимда ташаббусни тўлиқ ўз қўлларига олган қаршиликлар мезбонларни икки маротаба ўйинни майдон марказидан бошлашга мажбур қилишди.

Танаффусдан сўнг мураббийларидан янги кўрсатмалар олган «Қизилқум» жамоаси ўйинда бурилиш ясашга муваффақ бўлдилар. Гарчи, зарафшонликлар «Насаф» дарвозасини уч маротаба аниқ нишонга олган бўлсалар-да, 3:2 ҳисобидаги ғалаба уларнинг кейинги босқичга чиқишини таъминлай олмади.

Мусобақанинг ушбу босқичидаги қолган баҳслар қуйидагича якунланди: «Нефтчи» — «NBU-Осиё» —4:0 (биринчи учрашув — 2:0), «Сурхон» — «Локомотив» — 2:1 (0:3), «Андижон» — «Машъал» — 0:0 (0:4), «Трактор» — «Самарқанд-Д» — 3:1 (1:2), «Навбаҳор» — «Сўғдиёна» — 3:1 (1:2), «Бухоро» — «Шўртан» — 2:0 (3:1).

Шундай қилиб, «Насаф», «Нефтчи», «Локомотив», «Қизилқум», «Трактор», «Бухоро», «Машъал» жамоалари 1/4 финал учрашувларига йўлланма олдилар. Мамлакат кубогининг ўтган йилги соҳиби «Пахтакор» футболчилари шу босқичдан баҳсларга қўшилишади.

Эркин ХОЛБОБО

«Қариси бор уйнинг, париси бор» танловига

САБОТГА СУЯНГАН МОМО

Гулжон момо ҳали ҳам тетиклар. Аллақачон юздан ошган онахон ҳақида бу гапларни кўнгил учун айтаяпти дерсиз. Йўқ, ростдан ҳам момо ҳалигача боғ-роғда куймаланиб юрадилар. Ишонмасангиз, Хоразмнинг Боғот тумани Бешариқ қишлоғига йўлингиз тушса момони зиёрат қилиб ўтинг, ана ўшанда гапимиз тўғрилигига гувоҳ бўласиз. «Гулжон момо» десангиз, — юртда ким кўп Гулжон момолар кўп. Билишмас. «Ўзбекистон Қаҳрамонининг онаси!» десангиз дарров айтишади.

Биз эса момонинг хотираларига қулоқ тутамиз. «Туғилган йилимни сўраяпсизми? 1903 йилда туғилган эканман. Отамни Матёқуб, онамни Нуржон момо дейишарди. Ўз томорқамиз бўларди-ю, катта оила қозонини қайнатишга етмасди. Шундан отам заминдорларнинг ерларини тенг шерикликка олардилар. Йил бўйи дала бошидан келмасдилар. Эсимни далада танидим...»

Биз шошқалоқлик қиламиз. «Чорикор Матёқуб ака нима экардилар?» деб сўраб қўямиз. Момо бирма-бир қуйилиб келаётган хотиралари тизгинини сал бўлмаса қўлдан чиқарай дейдилар.

«Шошмасангиз, ҳаммасини бир бошдан айтаман-да. Ўша вақтларда ери кўплар пахта экарди. Негадир уни «ғовача» дейишарди. Бу «ғовача» деганнинг очилиши кечикиб кетарди. Пояси паст бўйлик, кўпи билан икки қарич келарди. Очилмай қолганларини қўл билан ситиб олардик. Бармоқларимиз қонаб кетарди. Азоби кўп экин эди. Аммо даромади яхши бўлган бўлса керак. Пахта топширганларга кийимлик, совун, оқ ёғ берганлари ёдимда. Бизлар, ёш болалар — отамиз шерикликка эккан даладаги пахтани йиғиштириб бўлгач, бошқаларникига кўмакка борардик. Ярим тунгача қора чироқ ёруғида хотин-халажлар кўрак ситишганимиз ёдимда...»

...Гулжон момо ўшанда эндигина ўн тўртни тўлдириб ўн бешга қадам қўйган қизча эди. Қишлоқдаги Қурбондурди деган йигитга узатдилар. Бой-бойга, сув сойга оққан замонларда унинг тақдирига ҳам камбағалгина хонадонга келин бўлиб тушиш ёзилган экан.

Кейин юртда шўроларнинг «колхоз» деган тузуми жорий этилди. Ёш келин-куёвлар ўша колхозга ёзиладилар. Эски иморатни янгитдан тиклай деб, туғилажак болалари очарчиликнинг балосини тортишмасин, деб кечаю-кундуз тиним билмай ишлашади.

Ёш оиланинг бири икки бўлай демайди. Бу орада беш нафар нуридийдаларни бирин-кетин тупроққа топширишади. Шундан сўнг момо юрагидаги аламини ишдан олади, эрининг ёнида туриб, эркаклар қатори колхозда ишлайди. Балки, ана шу тўйиб овқатланмаслик, зилдай оғир меҳнат норасидаларини эрта хазон қилгандир.

1937 йилги қатағонлар доми бу урбондурдининг укаси кимларнингдир чақуви билан қамалиб, дом-дараксиз кетди. Иниси бошига тушган бу мусибат Қурбондурдини ҳам вақтли қаритади. Қаттиқ эзилади, юрагини ҳасрат емиради. Иккинчи жаҳон уруши бошлангач кўп ўтмай у хасталаниб оламдан ўтади. Гулжон момо эса фарзандлари — ўн яшар Бикажон, етти яшар Машариф, уч ойлик Олимбойларга ҳам она, ҳам ота бўлиб қолади.

Уруш даври Гулжон момо учун чинакамига машаққатли келди. Бутун дардини меҳнатдан олди, етим қолган болаларининг қорнини тўйғазиш учун бор куч-гайрати билан ишлади. Бир ёқда кичкина томорқасига қозонга солиш мумкин нимаки бўлса экди, колхоз ишидан бўш вақтлари — тунлари шу бир парча ерга қаради.

Вақти келиб фарзандлар бўй тортдилар — тўнғичи Машариф Хива қишлоқ хўжалик техникумига ўқишга кирди. Ўқишни тугатиб колхозда ишлай бошлади. Ўғлининг йигитлар қаторига қўшилганидан хурсанд момо тўй ташвишига тушди — қариндошлар, қўшнилар қараб турмадилар, эл қўшилиб тўйни ҳам ўтказишди.

...Гулжон момонинг тўнғич ўғли — ўша уруш йилларида онаси ёнида далада катталар билан тенг туриб ишлаган, муштдек бошидан рўзғор ташвишида ўйин нима, дам олиш нима билмаган Машариф ака Қуво-қовнинг чекига вилоятдаги энг йирик хўжаликлардан бирига узоқ вақт раҳбарлик қилиш ёзилди. Машариф Қуво-қов вилоятда биринчи бўлиб «Ўзбекистон Қаҳрамони» бўлди. Эл назарига тушди, халқнинг кўнглидан жой олди. Кичиги Олимбой бутун умрини ёш авлоднинг соғлом ўсишига бағишлаб кам бўлмади. Узоқ йиллик хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвонига муносиб кўрилди.

Аммо, ҳув ўша ёшликдаги армонлари ушалган, фарзандлари камолидан ёшарган момони бир кунда ғам юки босиб тушди — тўнғичи Машариф Қувоқов юрак хуружидан бевақт оламдан ўтди.

Ахир Машарифни ер-кўкка ишонмасди. Раис одам, ишда ушланиб қолса кўзларига уйқу келмайди. Токи хуфтондами, тонг саҳардами ишдан хориб қайтган ўғлининг даҳлизда этигини ечаётганини сезгир қулоқлари эшитмагунча ором қайда?

— Ўша кунларда умримда биринчи марта хасталангандим, — деб хўрсинади момо. — Машарифжоннинг мазаси қочиб, касалхонага ётқизишибди. Ўзим бир ҳолдаману ўғлимни кўрай дейман. Неваралар, момомиз қийналиб қолмасин, деб «Ана келади, мана келади!» деб умидларга боғлаб ўтиришди. Сўнгги кунлари бошида бўлмаганим бир умрлик армон бўлди.

Ўғил мусибати момони қаритди-кўйди. Шундоқ ҳам юзга кирган момо энди бу дунёда нима қолди, деган ўйларга-да борди ўшанда.

Кейин машҳур фарзанди номини ўзи бош бўлган хўжаликка қўйишди, унинг марказида эса каттакон ҳайкалини ҳам ўрнатишди. Ота ишини давом эттирсин, деб невараси Бектурдини хўжаликка бош қилишди.

Гулжон момо энди қўша-қўша неваралар учун яшаяпти. Ўғлига ҳайкал қўйган истиқлол замонига шукроналар айтиб яшаяпти.

Гулжон момонинг умри синовларга, азоб-уқубатларга қоришиб кетган бўлса-да, охир-оқибат инсон меҳнати қадр топадиган замонларни кўрди. Ахир шу узоқ умрининг кўп қисми қадр учун эмас, қорин учун яшашга сарфланиб кетмадими?!

...Гулжон момони бир гўзал гулга қиёсладик. Аслида инсоннинг қалб гўзаллиги — бу инсоний фазилатларни фарзандларига бекаму кўст юқтиришида, умрнинг адоқсиз дардларини мардонавор енгиб яшаши, яшаётганида эмасми?

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: Гулжон момо неваралари билан **Саъдулло БОБО олган сурат**

ОЛИМПИАДА ЎТКАЗИШГА ДАЪВОГАРЛАР

Душанба куни Лозанна шаҳрида XXX Олимпия ўйинларини ўтказишга даъвогар шаҳарлар бўйича Халқаро Олимпия Қўмитасининг баҳоловчи комиссияси ўз хулосаларини баён қилди. Бунга кўра, 2012 йили ўтказиладиган Олимпия ўйинларига 5 та шаҳар даъвогар экани яна бир бор таъкидланди. Баённомада баҳоловчи комиссиянинг ана шу шаҳарларда қузатув ва текширув ишларини олиб боргани ҳамда йиғилган ахборотлар асосида қилинган таҳлиллар назарда тутилгани маълум бўлди. Ҳар қалай, 2012 йилги Олимпия ўйинларини ўтказиш қайси шаҳарга насиб этиши баҳоловчи комиссиянинг 6 июль куни бўладиган якунловчи нутқидан кейин аниқ бўлади. Ҳозирча комиссия аъзоларининг фикрига қараганда, Париж билан Лондон шаҳарлари Олимпия ўйинлари ўтказиш бўйича «Энг юксак сифатга» эга экан. Нью-Йорк билан Мадрид шаҳарлари эса «юқори сифат» деб баҳоланди. Москва шаҳри ҳам Олимпия ўйинларини ўтказиб беришга ҳар жиҳатдан ҳозирлиги, фақат «режалаштиришдаги баъзи жузъий камчиликлар» ҳамда «ахборотнинг етарли эмаслиги» диққатни тортмоқда, деган фикр билдирилди. Аммо, транспорт муаммосини ҳал этишда «Олимпия дарёси» лойиҳасининг киритилиши маъқул келгани эътироф этилди.

Компания "СЕРТ Менеджмент"
Официальный Партнер и Коммерческий Представитель Сертификационного органа **RW TÜV и TÜV Academy**

Приглашает на следующие курсы:

Менеджер по ISO 9001. 20-24 июня
Внутренний Аудитор по ISO 9001. 15-17 июня
Основы, Документация и Аудит Системы управления профессиональным здоровьем и безопасностью по OHSAS 18001. 21 -24 июня
Основы и внедрение Экологического Менеджмента по ISO 14001. 4-6 июля
Система Качества для Автомобильной Промышленности по ISO/TS 16949. 4-6 июля
Руководителю о Системе Менеджмента Качества в соответствии с ISO серии 9000. Новые возможности развития бизнеса (Турция, Кемер). 15-25 июля

Дополнительная информация по: **Тел: 152-76-71, 152-18-93**
E-mail: rwtuv-uz@bcc.com.uz

RWTUV TUVAcademy TUV NORD

Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳудудида жойлашган «Интер Осиё» хусусий фирмасининг думалоқ муҳри ва тўртбурчак штампи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми Ҳайъати «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашидаги ХДП гуруҳи раҳбари Фармон Тошевга падари бузруквори **ИСҲОҚ ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти Самарқанд вилояти «Зарафшон» газетаси бош муҳаррири Фармон Тошевга отаси **Исҳоқ ТОШЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти таҳрир ҳайъати аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг ўринбосари Ашур Қодировга опаси **Моҳира ҚОДИРОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Мулоқот» журнали жамоаси журналнинг фаол муаллифи, фалсафа фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети кафедра мудири **Анвар ЧОРИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Газетанинг навбатдаги сони 14 июнь, сешанба куни чиқади

«ЎзБАТ АЖ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ
ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЮТЕРЛАР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«ЎзБАТ АЖ» Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сигарета маҳсулотларини сотиш бўйича «ЎзБАТ АЖ» ҚК нинг эксклюзив дистрибютерлар танловини эълон қилади.

Номзодларга қўйиладиган асосий талаблар:

1. Ташкилий-ҳуқуқий шакли — юридик шахс.

2. Номзод компаниянинг рўйхатга олинган жойи ҳақиқий фаолияти манзилига тўғри келиши шарт.

3. Устав фондининг минимал миқдори — 47 010 000 сўм (яъни энг кам иш ҳақининг 6 000 баробарига тенг).

4. Минтақа доирасида ўзига тегишли ёки ижарадаги рўйхатга олинган ва назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун чакана савдо шахобчалари сони: камида 5 та (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида) ва камида 3 та (бошқа вилоятларда).

5. Минтақа чегарасида ўзига тегишли ёки ижарадаги ҳажми камида 10.000.000 дона сигареталар сақлашга етарли бўлган омбор бинолари мавжудлиги.

6. Тегишли банк ҳужжатлари билан тасдиқланган айланма капиталининг минимал миқдори — 20 000 000 сўм.

7. Қуйидаги ҳужжатларнинг асл нусхаси мавжудлиги:

- *Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида гувоҳнома;*
- *Нотариал тарзда тасдиқланган Уставининг нусхаси;*
- *Улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома;*
- *Чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома (ҳар бир савдо шахобчаси учун);*
- *Тамаки маҳсулоти билан савдо қилиш ҳуқуқига доир махсус рухсат гувоҳномаси (ҳар бир савдо шахобчаси учун);*
- *Номзодни рўйхатдан ўтказган ҳудуддаги давлат солиқ хизмати органларининг назорат-касса машинаси билан жиҳозланган турғун савдо шахобчаси мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома (ҳар бир савдо шахобчаси учун);*
- *Номзоднинг эгалигида — ижарасида омбор бинолари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;*
- *Номзод банк муассасасида тегишли талаб қилиб олингунгача махсус иккиламчи депозит ҳисоб рақами (махсус ҳисоб рақами) очганлигини тасдиқловчи ушбу ҳужжатнинг рақамлари кўрсатилган ҳолда номзодга банк томонидан берилган ҳужжат.*

Юқорида кўрсатиб ўтилган асосий талабларга қўшимча равишда, эксклюзив дистрибютерлардан «Сигарета маҳсулотларини «ЎзБАТ АЖ» ҚКси эксклюзив дистрибютерларига сотиш шартномаси»га мувофиқ бир қатор мажбуриятларни ўз зиммаларига олиб, уларни бажариш талаб қилинади. Бундай мажбуриятларнинг батафсил рўйхати номзодларга улар танловда иштирок этиш ҳақида ариза ҳамда юқорида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган ҳужжатларни тақдим этганларидан сўнг берилади.

«ЎзБАТ АЖ» ҚКсининг эксклюзив дистрибютерлар рўйхатига киритиш танловида иштирок этмоқчи бўлган юридик шахслар 2005 йил 1 июль куни соат 18.00 гача «ЎзБАТ АЖ» ҚКнинг бош директори номига ***юқоридаги 7 бандда кўрсатилган ҳужжатларнинг нотариал тарзда тасдиқланган нусхалари*** *илова қилинган ва боғланиш маълумотлари кўрсатилган ҳолда тегишли аризани юборишлари шарт. Бундай ариза буюртма хат орқали ёхуд шахсан қуйидаги манзилга етказиб берилиши лозим: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Носиров кўчаси, 77.*

Номзодлар аризаларини кўриб чиқиш, тақдим этилган маълумотлар ва номзодларнинг белгиланган талабларга муносиблигини текшириш «ЎзБАТ АЖ» ҚКси бош директори буйруғи билан тасдиқланган «Ишчи гуруҳи ва махсус комиссиясининг фаолияти ҳамда «ЎзБАТ АЖ» ҚКнинг эксклюзив дистрибютерларини танлаш мезонлари тўғрисидаги Низом»га мувофиқ махсус комиссияси томонидан амалга оширилади.

Барча саволларингиз билан ҳамда батафсилроқ маълумот олиш учун Ҳамшид Холмуродовга ёки ёзма равишда қуйидаги манзилга: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Носиров кўчаси, 77; ёки (+998 71) 120-53-39 рақамли факс ёки қуйидаги телефон рақамлари орқали мурожаат этишингиз мумкин:

- *(+998 71) 120-53-14*
- *(+998 71) 120-53-51,*
- *(+998 97) 156-35-12*

«ЎзБАТ АЖ» ҚК ДИРЕКЦИЯСИ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA'DULLAYEV
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 555
8908 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O'zA yakuni — 21.00
Topshirish vaqti — 23.25
2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda